

## САБР (БАҒРИКЕНГЛИК) МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

**Мирзаева Ш.З.**

илмий тадқиқодчи

Андижон давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада бағрикенглик лингвистик тушунча сифатида ҳар бир миллатнинг маданиятининг бир қисми сифатида қаралди. Бағрикенглик тушунчасини лингвистик назарий асослари таҳлил этилди.

**Калим сўзлар:** Бағрикенглик, фалсафа, психология, сиёсатшунослик, қадрият, ҳурмат, вербал, новербал.

**Аннотация:** В этой статье показано, как синестетические метафоры, такие как вкус, можно использовать для качественного выражения температуры.

**Ключевые слова:** инструмент, зрительное, синестезия, метафора, метонимия, когнитивная, лингвокультурная, прагматика.

**Annatasion:** This article examines the concept of tolerance and generosity linguistically as a component of the culture of each nation. The linguistic and theoretical foundations of tolerance are analyzed.

**Keywords:** tolerance, philosophy, psychology, political science, dignity, respect, verbal, non-verbal.

Сабр (бағрикенглик) мафкурафий тушунча сифатида кенг маънога эга. Шу билан бир қаторда сабр тушунчаси фанлар аро тушунча ҳамдир. Дунё фанларида сабр (бағрикенглик) терминига турли талқинлар берилди. Шу сабабли тадқиқотларда бағрикенглик тушунчасига ҳанузгача якуний хулоса айтилмайди. Бағрикенглик бошқа фан соҳалари қатори тилшуносликда илмий тадқиқотларда лингвокогнитив нуқтаи назардан ўрганиш объектига айланган. Тилшуносликда “бағрикенглик, сабр” тушунчаси термин сифатида шахслар ўртасида ранг-баранг фаол намоён бўлувчи мулоқот шакли ҳисобланади. Тилшуносликда бағрикенглик ўзидан фарқланувчи шахс ёки шахслар гуруҳи билан оғзаки ва ёзма мулоқот воситаларидан бири бўлиб шахснинг тил маданиятини белгиловчи омил ҳисобланади. Замонавий лингвистик тадқиқотларда “бағрикенглик” термини бошқаларнинг шахсиятига ҳурмат, ҳуқуқини тан олиш, уларга тенглик билан муносабатда бўлишни англатади,<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бетти Э.Толерантность –дорога к миру.-М.:Бонфи, 2001.-304 с.

бошқача мантикий фикрлаш, ўхшаш ва фарқли қарашларга тайёр туриш, <sup>1</sup> бошқалар (шахслар, гуруҳлар, жамиятлар, давлатлар ва бошқа)нинг қарашлари, урф-одатлари, фикрлари ва фикрлар хилмахиллигига онгли муносабатда бўлишни ифодалайди. Шунингдек, бағрикенгликка юқорида таъкидлангандек, фанлараро тушунча бўлганлиги сабабли турлича таъриф ва ёндашувлар мавжуд.

Фалсафа фанида бағрикенглик турли халқлар ва миллатлар, динларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, турли қарашлари, ахлоқ ва одоби, урф-одатларига муносабати бағрикенглик деб таърифланади.<sup>2</sup> Сиёсатшунослик фанида бағрикенглик ижтимоий жиҳатдан ўзаро бир-бирига таъсир этувчи субъектлар (миллатлар, давлатлар, синфлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва бошқалар)нинг ўз мақсадларини амалга ошириш билан бир қаторда рақобатчиларнинг қарашлари, уларнинг дастурларини, фикрларини ҳурмат қилиш ва тан олиш, манфаатлар ва мақсадларни уйғунлаштириш ҳисобланади.<sup>3</sup> Психологияда бағрикенглик инсоннинг индивидуал психологик хусусиятлари нуқтаи назарида аниқланади. Яъни, ҳар қандай ноқулай омилга жавобнинг йўқлиги ёки заифлиги, ташвишга чидамлилиқ, турли таҳдид соладиган вазиятда нарсаларга ҳиссий жавоб чегарасини аниқлаб олишида намоён бўлади.<sup>4</sup> Демак, бағрикенглик тушунчаси ҳақидаги фикрлар, қарашлар, таърифлар давомли ҳисобланади. Биз ишимизда бағрикенгликни тил маданиятининг таркибий қисми сифатида очиб беришни мақсад қилганмиз. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бағрикенглик тил ва нутқ билан боғлиқ инсон руҳиятига етиб боровчи тушунча ҳисобланади. Тилшуносликда бағрикенглик нафақат адерсатнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари (уларнинг эътиқоти, хулқ -одоби, қадриятлари ва хатти ҳаракатлари), шунингдек, унинг биологик хусусиятлари (жинси, ёши, маълум бир этник гуруҳга мансублиги ва бошқа) ни ҳам ҳисобга олади. Бундан ташқари, бағрикенглик тишуносликда адерсатнинг коммуникация жараёнида ижтимоий ҳаракатда ўзаро таъсирини маълум ижобий ва ижодий моделларига амал қилишни ҳам назарда тутди. Шу боисдан, тилшуносликда бағрикенглик инсон билан боғлиқ барча мулоқот шакллари қамраб олмаслигини ҳам (гарчи мулоқотни маълум шартлари асосида бағрикенглик меъёрларини, кўплаб нолингвистик мулоқот шакллари, масалан, санъатга ўтказиш ҳам мумкин), унинг мулоқот жараёнидаги квазилингвистик мейёр ва муносабатларга таъсирини инкор этиб

<sup>1</sup> Анцупов А.Я.Баклановский С.В.Конфликтология в схемах и комментариях.-СПб.:Питер, 2009.-304 с.

<sup>2</sup> Медведева З.А.Васкына О.Э. Философия :учеб.-метод.пособие.-Кемерово:Кемемеровский государственный университет, 2020.-144 с.

<sup>3</sup> Ильинская С.Г.Толерантность как принцип политического действия:история, теория, практика.-М.:Праксис, 2007.-288 с.

<sup>4</sup> Фрейд А.Теория и практика детского психоанализа.-М.:Апрель Пресс, 1999.-400 с.

хам бўлмайди. Ю.В.Южакованинг таъкидлашича, лингвистик бағрикенглик “адресат ва адресантнинг салбий ёки нейтрал фикрлаши, нияти билан боғлиқ бўлган умумий таъсирни кўрсатувчи (шахснинг “бегонага” тенг муносабатини талаб қиладиган, нутқий хулқ-одобини белгиловчи мейёрлар тўплами”) тафаккур маҳсули ҳисобланади.<sup>1</sup> Лингвистик бағрикенглик икки шахс (ёки гуруҳлар) сўзловчи ва тингловчи ўрасидаги оғзаки ва ёзма мулоқот даврида воқеланиши мумкин бўлган ҳар қандай зиддиятдан қочиш, диний, миллий, тарихий қадириятлар, урф-одатларга тенг муносабат бўлиш, ўзаро ҳурматни таъминлашдан иборат бўлади. Демак, лингвистик бағри кенглик адерсатнинг воқеа-ҳодисаларга ижобий, тенглик муносабатида туриб объектив баҳолашни, маънавият ва маданиятини назарда тутадиган нутқ одобидир. Фикримизча, лингвистик бағрикенглик ҳар қандай воқеликни намоён бўлишини оғзаки ва ёзма матнда намоён этади, шу боис ҳар қандай адерсат ва адерсат ўртасидаги нутқий фаолиятидаги мейёрлар тўплами дейишимиз мумкин. Лингвистик бағрикенглик ахборотни қабул қилиувчининг кенг мушоҳадали манавият соҳиби эканлиги англатувчи, ахборот узатувчига лингвистик ва нолингвистик омиллардан ўта эҳтиётлик билан ахлоқий поэзиясида турувчи нутқ фолиятидир. Адерсат ва адерсат ўртасидаги муносабаларда бағрикенглик уларнинг қарашлари, тафаккури, урф-одатлари, диний эътиқоди, олам манзарасига бўлган муносабатлар асосида очила боради. Бағрикенглик миллий менталитет билан боғлиқ ментал тушунча ҳамдир. Масалан, ўзбек миллатида бошқа миллатларга нисбатан дини, урф-одати ва бошқа белгилари ажратилмайди. Уларга бир белги ўзбекистонлик атамаси қўлланади. Бошқа миллат ва эллатларга нисбатан ҳурмат ва тенглик аллоҳида сингдирилади. Албатта, бу қомусимизда ўз ифодасини топган. Бундай хусусият бағрикенглик ҳақида ўрганилган инглиз тилида мавжуд адабиётларда ҳам айтиб ўтилади. Масалан, қора танли “негр”ни Негр дейилиши камситилиш ҳисобланади. Уларга африкалик лексемасидан фойдаланиш ҳурматини белгилайди. Шунингдек, тилшуносликда бағрикенгликни новербал (имо-ишоралар, хатти-ҳаракатлар орқали) ифодаланиши маълумотни қабул қилиувчи тамонидан ҳақорат тарзида тушунилади. Шунинг учун, бағрикенгликни ифодалашда новербал воситалардан сингари бошқа бирликлардан вос кечиш орқали амалга оширилади. Гап шундаки, ғарб ва шарқ маданияти ўртасида ўзаро фарқловчи тушунчаларнинг мавжудлиги ҳам бунга таъсир кўрсатади. Масалан, ғарб маданияти вакиллари маълумот жўнатишда қўлнинг бош бармоғини юқорига кўтариш ёки қўл бош бармоғи билан ўрта бармоғини бирлаштирган ҳолда “0”

<sup>1</sup> Южакова Ю.В. Толерантность массово-информационного дискурса идеологической направленности : дисс. ... канд. филолог. наук. - Челябинск.: [б.и. ], 2007. - С.16. (-203 с.)

харфи шаклидан, яъни яхши ишорасини бермаслик ва фойдаланмаслик тавсия этилади. Чунки ғарб маданияти билан ёнма-ён бўлган турк ва юнон маданияти вакиллари бу жараён ҳақоратли маънога эга ҳисобланади.<sup>1</sup> Шунингдек, ўзбек ва инглиз миллатлари ўртасидаги новербал воситалар билан боғлиқ ҳар қандай вазиятларда одоб меъёрлари бир-бирига мос тушмайди. Масалан, ўзбек миллатида новербал воситалар орқали сўзловчи ва тингловчи ёки адресант ва адресат ўртасидаги ўзаро бағрикенглик тамойиллари турлича ифодаланади. Қўлини кўксига қўйиш, бошини олдинга эгиш ўзбек миллатининг ўзига хос муносабат тасвири самиймийлик, ҳурматни англатади. Бироқ ўзбек миллати инглизлар сингари қўли билан ҳаракатланишдан тийилади ва уни тарбиясизлик сифатида қабул қилади. Ёки мулоқот жараёнида ўзбеклар оёқларини чалиштириб ўтиришни қабул қила олмайдилар. Чунки бундай ўтириш ўзбек миллатида тарбиясизлик билан белгиланади. Бироқ ғарб маданиятида бу одатий ҳолга айланган. Кўринадики, бағрикенгликнинг ифодаланиши икки ғарб ва шарқ маданиятининг уйғунлигини талаб этувчи кенг маъно эга тушунча сифатида қаралади. Демак, бағрикенгликни тилдан ташқарида ифода этиш мураккабликни ифода этади.

Юқорида айтилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, бағрикенглик феномен “маданий компетенция” сифатида бошқа миллат ва маданият вакиллари ўртасидаги тушуниш қобилиятига эга бўлган умумий хусусиятларига кўра ўхшаш ва тенгликни ифодаладайки. О.А.Рубцованинг фикрига кўра, вербал бағрикенглик “мулоқот тили бўлиб, унда маълум бир луғатдан фойдаланиш (таҳқирловчи, ҳақоратли, масхара қилувчи ва камситувчи сўзларнинг йўқлиги) ни ва ижобий (мунозарали, холис, далилларга асосланган, конструктив, элементларни истисно қиладиган) фикрларни ифодалаш (стретотип, провакация-бузғунчилик, душманлик йўқлиги)ни ўз ичига олади.<sup>2</sup> Фикримизча, вербал бағрикенглик умумий феномен ҳодиса сифатида миллатлараро тенглик хусусиятларга эга, шунинг учун ҳам бир қатор тилларда бағрикенглик турли характерга эга бўлишидан қаъти назар бир умумий маънога жипслашади. Шунингдек, унинг новербал хусусияларини амалга оширишда (бошқалар билан мулоқотда ижтимоий хулқ-атвор намуналарини кўрсатиш, узатилган маълумотларни ҳиссий тасвирини бериш ва бошқ. кўрсатилади) новербал воситалар мавжудлиги билан тавсифланади.

<sup>1</sup> Innocent gestures that mean rye tshings abroad.URL:[http:// travel. ninemsn. com. au/ world/ rudegtures/ 835248/ innocent-gestures-that-mtan—rude-things-abroad](http://travel.ninemsn.com.au/world/rudegtures/835248/innocent-gestures-that-mtan—rude-things-abroad)

<sup>2</sup> Рубцова О.В.Новое поколение :учимся вместе :сб.науч.-метод.материалов под.ред.О.В.Рубцовой.— Копейский раблчий, 2009.-С.10.(—235 с.). Рубцова О.В.Толерантность —необходимость , продиктованная временем.URL:[http://myweb-spasce.wisc.edu/wtcox/web/trishpubs\\_files/Devine%20\(1989\).pdf?uniq=-c4ok19](http://myweb-spasce.wisc.edu/wtcox/web/trishpubs_files/Devine%20(1989).pdf?uniq=-c4ok19)

Кўринадики, бағрикенглик маданий компетенциянинг бир қисми (элементи) ҳисобланади. Тилшуносликда бағрикенглик компетенциясининг тўрт асосий элементлари санаб ўтилади:

Ўз-ўзини англаш. Ушбу моделда ўз-ўзини англаш бошқа маданият вакилларининг ҳаракатларига онгли равишда ўз муносабатларини билдириш тушунилади. Профессор Пауль Педерсен ушбу маданий компетенция моделида ўз-ўзини англашни “индивиднинг ўз тахминлари, қадриятлари ва нотўғри қарашларни тушуниш” деб таърифлайди.<sup>1</sup>

Муносабат. Профессор Пауль Педерсеннинг моделига кейинроқ қўшилган ушбу элемент маданий фарқларга асослангани ва ўзининг умумий маданий тамойиллар ва нотўғри қарашларидан хабардор бўлган шахснинг маданий компетенция учун ўзини-ўзи англаши ва текширилган шахс ўртасида фарқларни билишига қаратилган.

Билим. Кўпгина социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли миллатга мансуб қадриятлар ва маданий тенглик, ғоялар, хатти-ҳаракатларда сезирарли даражада фарқланиш мумкин. Ажабланарлиси шундаки, кўпчилик бундай фарқларни сезмайди. Канадалик психолог Дивайн Патрицей томонидан олиб борилган тест респондентларнинг маданий қарашларида нотўғри фикрлар мавжудлигини кўрсатади ва уларнинг бошқа тест синовларидаги ижобий натижага қарамай, тилга олинган маданиятлараро мулоқотда хатоларга йўл қўйишади, бу эса уларда маданий хурофот белгилари мавжудлигини кўрсатади. Дивайн Патрицейнинг сўзларига кўра синовда иштирок этган расподентларнинг маданиятлараро мулоқот қилишда замонавий билимига эга эмаслигидир. Шунга кўра, мулоқот иштирокчиларининг ўзидан бошқа маданиятга мнсуб бўлган иштирокчиларга ижобий муносабати етарли эмас, маълумот берувчининг муваффақиятли мулоқот ва ижобий натижага эришиши учун маълумот олувчи ёки объектнинг маданий тамойилларини ҳам билиш зарур.<sup>2</sup>

Маҳорат. Маданий компетенция моделининг ушбу компоненти маданиятлараро мулоқот ўтказишда маълум кўникмалар мавжудлиги ва ривожланишини назарда тутди. Бундай ҳолда икки шахс ёки шахсларнинг

---

<sup>1</sup> Pedersen P. Multicultural Competence: Awareness, Knowledge and Skill. URL: [http://faculty.soe.syr.edu/pedersen/training/multiculture\\_comp.htm](http://faculty.soe.syr.edu/pedersen/training/multiculture_comp.htm) 2004.

Matoba K. Transformative Dialogue for Third Culture Building: Integrated Constructionist Approach for Managing Diversity. Opladen, 2011.

<sup>2</sup> Devine P. Sterotypes and Prejudice: Their Automatic and Controled Components URL: [https://myweb-space.wisc.edu/wtsoc/web/trishpubs\\_files/Divine%20\(1989\).pdf?uniq=c4ok19](https://myweb-space.wisc.edu/wtsoc/web/trishpubs_files/Divine%20(1989).pdf?uniq=c4ok19) .Pedersen P. Multicultural Competence: Awareness, Knowledge and Skill. URL: [http://faculty.soe.syr.edu/pedersen/training/multiculture\\_comp.htm](http://faculty.soe.syr.edu/pedersen/training/multiculture_comp.htm) 2004.

диологик қобилиятлари, мулоқотларнинг ўзига хос хусусияти вербал ва новербал маданият элементлари сифатида тушунилади.<sup>1</sup>

Жадид боболаримиз ҳам бағрикенгликни кенг тушуниб амалда қўллаганлар. Жадидчиликнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати унинг нафақат диний, балки халқаро муносабатларда ҳам бағрикенглиги эди.<sup>2</sup> Демак, жадидлар шарқ ва ғарб халқларининг маданияти, дини, қадриятлари, урф-одатлари, тарихи ва адабиётини яхши биладиган илмли, миллатпарвар ва маданиятли шахслар эди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бағрикенглик маданий код сифатида дунёнинг барча миллати ва тиллари қатори ўзбек тилига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Маданият кодлари хусусидаги назариядан оламнинг ўзбекча лисоний манзарасини тадқиқ этишда, халқимизнинг миллий тафаккурига хос қонуниятлар тадрижини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Айни вақтда, таъкидлаш лозимки, маданият кодлари биринчи навбатда халқнинг миллий-маданий хусусияти билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шу сабабли у тилшунослигимизда ўзбек тилининг ўз табиатидан келиб чиқиб ўрганилиши, бунда халқнинг мифологик тасаввурлари, миллий қадриятлари, маданий меъёрлари, урф-одатлари ва ақидалари, воқеликка аксиологик муносабати албатта тадқиқотчиларнинг эътибор марказида бўлмоғи лозим.<sup>3</sup> Кўринадики, бағрикенглик маданий код сифатида ўзбек миллати ва тилининг миллий менталитети билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Айтиш мумкинки, тил инсоннинг иноқ, бир-бирига ҳурмат ва тенглик муносабатида яшаши, этник келиб чиқиши, диний қарашлари, жамиятдаги қарама-қаршиликларни бартараф этишда, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликларни муросага келтиришда муҳим рол ўйнайди. Албатта, бу бағрикенглик тамойили билан боғлиқ юзага чиқади. Мисол тариқасида улуғ бобоколонимиз З.М.Бобурнинг Ҳиндистондаги олиб борган бағрикенглик сиёсатини келтиришимиз мумкин. З.М.Бобур ҳинд тили ва миллати қатори бошқа этник миллатларни туркий миллатлари вакиллари каби динини, урф-одатлари, тилини, қадриятларини, тарихини ҳурмат қилади. Уларни давлат сиёсати даражасида қадрлайди. Демак, тил ва манавий тафаккур З.М.Бобурни бағрикенгликнинг юқори поғонасига кўтаради. Улуғ ҳинд давлат арбоби Жаваҳарлал Неру таъбири билан айтганда “Дилбар шахс” даражасига кўтаради.

<sup>1</sup> Martin M.Vaughn B.Cultural Competence //Strategic Diversity& inclusion Management magazine.San Francisco, 2007.-С.33.

<sup>2</sup> Ahmedova M umumiy tahriri ostida.-Т., О'zbekiston faylasuflalari milliy jamiyati nashiyoti.2006. -В.158.(488.б)

<sup>3</sup> Худойберганова Дурдона. Тил тафаккур маданият. “Нодирабегим” нашриёти. Тошкент 2020, -Б.5.(119.б)